



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2002 йил

29 июнь

Сотувда эркин нархда № 136 (2964)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **ФАРМОНИ**

С.Б.Раҳимовни Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг раиси этиб тайинлаш тўғрисида

Саидхамд Бориевич Раҳимов Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2002 йил 28 июнь.

Икки палатали парламент ва демократлаштириш жараёни

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ТАСИС дастури доирасида «Ўзбекистонда демократлаштириш жараёнига кўмаклашиш» лойиҳасига биноан Навоий вилоят ҳокимлигида «Икки палатали парламент ва фуқаролик жамиятининг тараққиёт босқичи» мавзусида конференция ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси И.Собиров, Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги ТАСИС дастури раҳбари Рейнхард Ролла Олий Мажлис ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими И.Коренев, Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С.Рашидова ва бошқаларнинг икки палатали парламентни шакллантириш, ушбу жараёнда Омбудсман, сиёсий партиялар, маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг ўрни ва аҳамияти мавзусидаги маърузалари тинланди.

Қизгин баҳс-мунозара асосида ўтган тадбирда парламент ислохотларини муқарраштириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, икки палатали парламентнинг моҳияти ва истиқболлари ҳусусида турли фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Анжуманда вилоят ҳокими Б.Рўзиев иштирок этди.

Абдуваҳод ПИРМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ХУСУСИЙ ТАРМОҚ — ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ

Бозор кўникмаларини ривожлантириш марказида Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси томонидан ташкил этилган «Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш самардорлигини ошириш муаммолари» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш хусусий мулкчилик тамойиллари амал қилган демократик жамиятта ўттиш жараёнининг узвий қисми ҳисобланади. Айнан мулкчилик шаклининг ўзгариши ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш муносабатларини турли ташкил этиш, меҳнатга муносабатини бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда шакллантиришга хизмат қилади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда бошланғич капитални шакллантириш учун маблағ ажратиш йўли билан кичик ва ўрта бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш тобора кенгайтирилди, хусусий тармоқ ўзининг мустақкам қонуний базасига эга бўлиб бормоқда.

Шунга қарамай, тармоқнинг бутунлиги аҳоли бозор муносабатларини шакллантириш талабларига ҳали тўла жавоб бераётганича йўқ. Анжуманда кичик ва ўрта бизнес ривожига тўсик бўлаётган муаммолар ва уларнинг

Норгул АБДУРАМОНОВА, ЎЗА мухбири.

МИНТАҚАВИЙ АНЖУМАН ЯҚУНЛАНДИ

Тошкентда «Марказий Осиёда гиёҳвандлик муаммолари: вазиятни баҳолаш ва тегишли чора-тадбирлар» мавзусидаги уч кунлик минтақавий анжуман ўз ишини яқунлади.

Анжуман Ўзбекистон ҳукумати ва БМТ Наркотикларни назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси томонидан Австрия ҳукумати, ЮСАИД, ЕХХТ ва Бундесжандармнинг Европа бюроси ҳамкорлигида ўтказилди.

Анжуман давомида минтақа мамлакатлари ва халқаро ташкилотларнинг гиёҳвандлик моддаларига бўлган талабини камайтириш, уларнинг Марказий Осиё давлатлари бўйлаб тарқалиши ва транзитига қарши курашиш борасидаги ҳатти-ҳаракатларни янада мувофиқлаштириш имкониятлари муҳокама қилинди. Марказий Осиё республикалари вакиллари анжуман иштирокчиларини гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиш ва тарқатишга доир вазият ва ҳукуматларнинг бу бордаги фаолияти билан таништирди. Ана шу муаммага йўналтирилган халқаро лойиҳалар ва дастурлар тақдими бўлиб ўтди. Қайд этилдики, гиёҳвандлик моддаларига бўлган талабини камайтириш бугунги кунда минтақа мамлакатлари учунгина эмас, балки бутун дунё ҳамжамияти учун ҳам устувор вазифа ҳисобланади. Анжуман доираси-

да бўлиб ўтган давра суҳбатларида ва ишчи гуруҳлари йиғилишларида шу хусусда сўз борди.

Муҳокама натижалари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди. Улар қуйидаги бешта йўналишга жамланган — сиёсат ва тарғибот, профилактика, даволаш ва реабилитация, ОИТС/ОИВ нинг олдини олиш, ахборот тўллаш ва вазият мониторинги. Хусусан, миллий қонунчиликларнинг бу соҳадаги фаолиятини тартибга солувчи халқаро конвенциялар ва бошқа ҳужжатлар билан янада уйғунлаштирилиши лозимлиги таъкидланди. Гиёҳвандлик ва наркотикига қарши курашга доир халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш зарур. Бу ишда минтақа мамлакатларининг жамоатчилик ташкилотлари янада фаол иштирок этиши керак. Шу йўналишда ташкил этилган миллий ва минтақавий тизимлар фаолиятини тақомиллаштириш кўрилатган чора-тадбирларнинг самардорлигига йўналтирилиши лозим.

Анжуман тавсиялари Гиёҳвандликка қарши минтақавий дастурни ишлаб чиқиш пайтида эътиборга олинади. Ушбу дастурни амалга оширишда БМТ нинг ва бошқа халқаро ташкилотларнинг тегишли тузилмалари ёрдам кўрсатади.

А. ИВАНОВА, ЎЗА мухбири.

Қариялар-эл фахри, юрт ифтихори

НУРОНИЙЛАР ДУОСИ



Пойтахтимизнинг «Юнусобод» маҳалласида яшовчи Набижон ота ва Мунисахон аялар яқинда ўзларининг олтин тўйларини нишонладилар. Улар биргаликда икки ўғил ва икки қизни тарбиялаб воғта етказдилар. Шу ўринда «қўш»ни ҳам баб-баробар тортидилар» деган иборани ишлатасак ноўрин бўлмас. Наби Фуломов қарийб қирқ йил ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида фаолият кўрсатган бўлса, Фотима Гуломова ана шунча давр мобайнида «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмасида тер тўкди.

Икки дилда туғилган ва муқаддас никоҳ риштаси билан боғланиб камолга етган Муҳаббатнинг ярим асрилик тўйига яна бир шодиёна эш бўлди: набиралардан бири — Жаҳон тиллари университети толибаси Динора келинлик либосини кийди... Нуруний буваси ва муҳтарам бувисининг дуои хайри — оқ фотиҳаси ёш келинчак учун энг яхши соғва бўлди!

СУРАТДА: қўша қарин бахтига мурасар бўлган замондошларимиз Фотима ая ва Набижон ота Гуломовлар.

Р. ШАГАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ЙЎЛИДА

АҚШ нинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулода ва Мухтор элчиси Жон Хёрбет ва республика соғлиқни сақлаш вазирлигининг Марат Хожиев ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Фтизиатрия ва пульмонология илмий-текшириш институти қошидаги силга қарши

миллий референс-лабораторияга 60 та бинокюлар микроскоп тақдим этди. Микроскоплар АҚШ Конгресси томонидан ажратилган қўшимча маблағ ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини қўллаб-қувватлаш мақсадида келтирилди. Шундай микроскоплардан

яна 40 тасини Америка нодавлат ташкилоти Хоуп лойиҳаси доирасида жорий йилнинг охиригача етказиб беришни мўлжалламоқда. Бундан ташқари, Американинг Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) синов туманларидаги силга қарши диспансерларга ҳамда Фтизиатрия ва пульмонология ин-

ститутининг марказий лабораториясига компьютерлар, лаборатория жамғуварлари ва реактивларни етказиб беришни молиявий қўллаб-қувватлади. Келтирилган жиҳозларни ўрнатиш ва мутахассисларга улардан фойдаланишни ўргатиш касалликларни олдини олиш ва назорат қилиш маркази билан ҳамкорликда олиб борилди.

Жамшид РАУПОВ, ЎЗА мухбири.

Бухоронинг етти қўлчилик эшитган, албатта. Хожаи жаҳон Абдуллоҳиқ Рижудонийдан бошланган, Баҳодурдин Нақибандий билан тугайдиган хожагонлар силсиласида Ориф Ревгарийнинг иккинчи, Анжир Фагнавий учинчи мақомда туради. Ҳазрат Навоий «Насойим ул-муҳаббат» асарига «Хожа Маҳмуд Анжир

ғалла эккан эдик. Ингирма тўрт минг тонна дон топиришимиз керак. Уттиз-қирқ гектар чамасидаги катта майдон. Кукда нимататир булут, гир-гир шабада эсади. Одамнинг кўкрагидан келадиган дуркун буғдайзор ажиб сас бериб, аста чайқалади. Гуё узаро шивирлашаётгандек. Дала четида беш-олти киши турибди. Раис Султонмурод Тешаев ҳам шу ерда экан. Ҳаммининг кўзи дала этагида енгил тўзон кўтариб сўзиб кетаётган қизил комбайнда. Юзларига андак ҳаяжон. Уларнинг ҳаяжонини тушуниш мумкин. Олти ой қўлданган бетиним меҳнатнинг самараси не бўлди экан? Умидлари оқландикини? Барча янги ҳосилнинг чўғини билгиси келди. Тезроқ бункер тўла қолса-ю, умидвор кўзларга севиноч ва қаноат бахш этса.

Комбайн чўзиқ садо бериб тўхтади. Дарҳол унинг олдида юк машинаси учди. Бир лаҳзада бункерни бушатиб қайтди. Кимдир машинадан бир ҳовуч буғдой олиб келди. Буғдой қўлма-қўл бўлди. Бу қўтлуғ келган йилнинг биринчи ҳосили эди. Одамлар бир-бирини табриқлар, хас-хашакдан арима-

ган сап-сарик донни кўзларига босар, рандан суюнчи сўраб эди. Бир сқим буғдой меннинг ҳам қўлимда. Унга қараб, йўла толаман. Жаннати маъвода Одам Атоини маҳдиё этган мана шу бир сқим буғдой. Қадим «Авесто»да ўлмас бир ҳикмат бор: «Нон мўлқул булган ерда панд-насихат ҳам қўлоққа яхши кирди». Бир донишманддан сўрадилар: — Гул исдан кейинги иккинчи муаттар нарсаи айтинг. Донишманд дарҳол жавоб берди: — Гулдак ис, нон ис. Ха, буғдой, демакки, нон та-

рада баайни самолётдагидай қўзил, сарик, яшил чироқлар. Улар мураккаб машина ҳолатидан дам-бадам дарак бериб турар экан. — Гап йўқ, мўжиза мошин экан, — дейди Ганишер. — Ҳайдаб чарчамайсиз. Бир жойи «огриб» қолса, дарров чирогини ёқиб, хабар қилади. — Бузилса, нима қиласиз? Бухоронда уста чақирасизми? — Мен чақирмайман. Ўзим тузатаман. Олти йил аввал Янгйўлга бориб, ўқиб келганман. Америкалик устлар бир ой эринмай ўрташди. Узингизда қўнғ бўлса, шу ўзимнинг мулким, деб авайласангиз, доғда қолмайсиз. Унинг устига, уста пули ҳам арзон эмас. Бировга ялингандан кўра, ўзимиз таъмирласак, хўжаликка фойдаку, тўғрими?

— Эрта-индин ўрим тугайди. Кейин нима иш қиласиз? — Нима иш бўлса, қилаверман. Асли ўзим шоёрман. Тумандаги машина-трактор паркида ишлайман. Катта машина ҳайдайман. — Сиз «Кейс»да Хоразмга борган экансиз. У ёқда нима қилдингиз? — Шолу ўрдик. Бир кун бошлагимиз «Ким Хоразмга борди, шолу ўриш керак экан», деб қолди. Бировлар, узоқ, деб унамади. Мен бораман, дедим. Бир ой шолу ўриб қайтдим. Бола-чақанинг на-сибаси-да. — Болалар... кўпми? — Худо берган тўрт фарзандим бор. Уч қиз, бир ўғил. Отамиз раҳматлик бўлган, онамиз ҳаёт. Отамиз ҳам тракторчи эди, худлас, уста касбини тутиб юрибмиз-да, э!

Ортимдаги катта ойнадан бункерга қаралим. Тарновдан тувиллаб буғдой ёғилапти. — Бункер тўлай, деб қолди, шеклиди. — Хавотир олманг, — деб кулди Ганишер. — «Кейс»нинг ўзи айтди. Қорним тўлапти, машина чақиравер, деб хуштак чалади. Дала этагида бориб, изимизга қайтдик. Соатга қараб турдим. Роппа-роса йигирма дақиқа ўтди. Ганишер бункерга разм солиб қўйди.

(Давоми 3-бетда).

Фагнавий Ориф Ревгарийнинг халифаларидан эруре, дея таъкидлаганлар. Маҳмуд Фагнавийнинг турбати Вобкентдаги Анжирбўғ қишлоғида экан. Бу қаромат соҳибаси ҳақида эл оғзида ривоятлар юради. Чунончи, Анжир ота Ориф Ревгарийнинг илтимосига кўра, бир этак кесакни бир этак анжирга айлантирган экан. Эҳтимол, шу боис у зотни Анжир ота, деб аташар.

Туман ҳокими Муҳиддин Эсонов билан Ҳазрат Фагнавийнинг зиёрат қилиб қайтган экан. Мен бир механикатор йигит билан танишмоқчи эканимни айтдим.

— Жула соҳ! — деди ҳоким жўнлиб. — Сиз излаб юрган йигит ҳозир «Нурфашон»да буғдой ўрапти. Исми — Ганишер. Шу ёқда борамиз. «Нурфашон» ширкат хўжалигига қараб кетдик. Ҳоким йўл-йўлаккай туман ишларидан гапирди: — Бу йил деҳқоннинг омади келди. Худо хоҳласа, омбури галлага тўлади. 6700 гектар ерга

«Халқ сўзи» йўлнамаси билан

СЎФИДЕҲҚОНЛИК ЧАВАНДОЗ

Бухоронинг етти қўлчилик эшитган, албатта. Хожаи жаҳон Абдуллоҳиқ Рижудонийдан бошланган, Баҳодурдин Нақибандий билан тугайдиган хожагонлар силсиласида Ориф Ревгарийнинг иккинчи, Анжир Фагнавий учинчи мақомда туради. Ҳазрат Навоий «Насойим ул-муҳаббат» асарига «Хожа Маҳмуд Анжир

ғалла эккан эдик. Ингирма тўрт минг тонна дон топиришимиз керак. Уттиз-қирқ гектар чамасидаги катта майдон. Кукда нимататир булут, гир-гир шабада эсади. Одамнинг кўкрагидан келадиган дуркун буғдайзор ажиб сас бериб, аста чайқалади. Гуё узаро шивирлашаётгандек. Дала четида беш-олти киши турибди. Раис Султонмурод Тешаев ҳам шу ерда экан. Ҳаммининг кўзи дала этагида енгил тўзон кўтариб сўзиб кетаётган қизил комбайнда. Юзларига андак ҳаяжон. Уларнинг ҳаяжонини тушуниш мумкин. Олти ой қўлданган бетиним меҳнатнинг самараси не бўлди экан? Умидлари оқландикини? Барча янги ҳосилнинг чўғини билгиси келди. Тезроқ бункер тўла қолса-ю, умидвор кўзларга севиноч ва қаноат бахш этса.

Комбайн чўзиқ садо бериб тўхтади. Дарҳол унинг олдида юк машинаси учди. Бир лаҳзада бункерни бушатиб қайтди. Кимдир машинадан бир ҳовуч буғдой олиб келди. Буғдой қўлма-қўл бўлди. Бу қўтлуғ келган йилнинг биринчи ҳосили эди. Одамлар бир-бирини табриқлар, хас-хашакдан арима-

ган сап-сарик донни кўзларига босар, рандан суюнчи сўраб эди.

Бир сқим буғдой меннинг ҳам қўлимда. Унга қараб, йўла толаман.

Жаннати маъвода Одам Атоини маҳдиё этган мана шу бир сқим буғдой. Қадим «Авесто»да ўлмас бир ҳикмат бор: «Нон мўлқул булган ерда панд-насихат ҳам қўлоққа яхши кирди».

Бир донишманддан сўрадилар: — Гул исдан кейинги иккинчи муаттар нарсаи айтинг. Донишманд дарҳол жавоб берди: — Гулдак ис, нон ис. Ха, буғдой, демакки, нон та-

рада баайни самолётдагидай қўзил, сарик, яшил чироқлар. Улар мураккаб машина ҳолатидан дам-бадам дарак бериб турар экан.

Гап йўқ, мўжиза мошин экан, — дейди Ганишер. — Ҳайдаб чарчамайсиз. Бир жойи «огриб» қолса, дарров чирогини ёқиб, хабар қилади. Бузилса, нима қиласиз? Бухоронда уста чақирасизми? Мен чақирмайман. Ўзим тузатаман. Олти йил аввал Янгйўлга бориб, ўқиб келганман. Америкалик устлар бир ой эринмай ўрташди. Узингизда қўнғ бўлса, шу ўзимнинг мулким, деб авайласангиз, доғда қолмайсиз. Унинг устига, уста пули ҳам арзон эмас. Бировга ялингандан кўра, ўзимиз таъмирласак, хўжаликка фойдаку, тўғрими?

Эрта-индин ўрим тугайди. Кейин нима иш қиласиз? Нима иш бўлса, қилаверман. Асли ўзим шоёрман. Тумандаги машина-трактор паркида ишлайман. Катта машина ҳайдайман. Сиз «Кейс»да Хоразмга борган экансиз. У ёқда нима қилдингиз? Шолу ўрдик. Бир кун бошлагимиз «Ким Хоразмга борди, шолу ўриш керак экан», деб қолди. Бировлар, узоқ, деб унамади. Мен бораман, дедим. Бир ой шолу ўриб қайтдим. Бола-чақанинг на-сибаси-да. Болалар... кўпми? Худо берган тўрт фарзандим бор. Уч қиз, бир ўғил. Отамиз раҳматлик бўлган, онамиз ҳаёт. Отамиз ҳам тракторчи эди, худлас, уста касбини тутиб юрибмиз-да, э!

Ортимдаги катта ойнадан бункерга қаралим. Тарновдан тувиллаб буғдой ёғилапти. Бункер тўлай, деб қолди, шеклиди. Хавотир олманг, «Кейс»нинг ўзи айтди. Қорним тўлапти, машина чақиравер, деб хуштак чалади. Дала этагида бориб, изимизга қайтдик. Соатга қараб турдим. Роппа-роса йигирма дақиқа ўтди. Ганишер бункерга разм солиб қўйди.

(Давоми 3-бетда).

Шу сонга хабар

МАШҲАДАН КЕЛТИРИЛГАН МЕДАЛЛАР



Мухаммад Гажилалов 1982 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Бунга таъкидлаётганимизнинг сабаби шундаки, ана шу ёш йигит Эрон давлатининг Машҳад шаҳрида ўзбекистоннинг маҳдиси янграб, байроғи кўтарилишига сабабчи бўлди. У ўзининг интилиши, маҳорати билан 16 та мамлакатдан келган тенгдошларининг курагини ерга теккизишга эришди. Умуман олганда, эркин ва юнон-рум курашлари бўйича ёшлар ўртасида ташкил этилган навбатдаги Осиё

чемпионатига 400 га яқин спортчи иштирок этди. Республикаимиз полвонлари мазкур баҳслардан жами 4 та медал билан қайтишди. Агар Мухаммад (76 кг.) эркин курашда шоҳушунинг энг юқори жойидан ўрин олган бўлса, қадимий Бухорода туғилиб ўсган Савриддин Наврозов (58 кг. юнон-рум) кумуш медалини қўлга киритди. Полвоннинг қаршилик дўсти Жаҳонгир Турдиев эса 76 килограмм вазн тоифасидаги беллашуварларда учинчи ўринни банд қилди.

Эсингизда бўлса, аввалги чиқишларимиздан бирида Қорақалпоғистон Республикасида иқтидорли курашчилар етишиб чиқаётгани ҳақида хабар бергандик. Бу эътироф Эронда ҳам яна бир бор ўз тасдиғини топди. Гап шундаки, 120 килограмм тош босадиган қитъа наҳдлавлари билан баҳс боғлаган Руслан Утегенов юртимизга Брусан медали билан қайтиб келди.

Кеча Тошкент аэропортида аниқ шу голиб спортчиларнинг кутуб олиш маросими бўлди. Унда қатнашган Давлат жимистини тарбия ва спорт кўрсатиш раиси Баҳодир Махситов эришилган ҳар бир ютуқ, қўлга киритилган медаллар мустақиллигимизнинг 11 йиллик тўйига спортчиларнинг тўғенаси эканлигини айтди.

Озод РАҲАБОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Мухаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат.

Алло, Сизни вазир эшитди!

Мулоқот қизгин ўтди

Республикаимиз фуқароларининг Олий ва ўрта мақсуд таълим вазирлиги билан бевосита мулоқоти тўғрисида ўз вақтида уюштирилган тадбир бўлганлигини ҳаёт кўрсатди. Мулоқот ҳақидаги эълон «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида чиққан кундан бошлаб ҳам вазирликка, ҳам мазкур газеталарнинг тахририятларида юртимизнинг турли минтақаларидан кўнғироқлар бошланди, факслар орқали саволлар кетма-кет оқиб кела бошлади. Бевосита мулоқот белгиланган 28 июнь кунини эса, гарчи унинг бошланиши соат 10.00 да белгиланган бўлса-да, лекин вазирликдаги шу мақсадга ажратилган телефонлар тонгги соат 8.00 дан оқиб уст-уст жингилла бошладилар. Вазир Саидхўрор Саидхўрор Саидхўрор мулоқотини бошлаб юборди.

Алтин керакки, мулоқот ниҳоятда жонли ва самарали ўтди. Турли вилоятларда ишайган ота-оналар, талабалар, мактаб ўқувчилари, ҳар хил касб ва мутахассисликда ишлайган кишилар дилда бу жабага тааллуқли саволлар озмулча эмас экан. Саволлар таълим тизимида юз бераётган ўзгаришлар, қадрлар тайёрлаш миллий дастури қандай бақарилётганлиги, 2002-2003 ўқув йилига қўйла жараёни ва бошқа кўпгина мазмуларга ҳамда масалаларга тааллуқлидир.

Энг муҳими, юртношларимиз ўзларини йўналтириб турган масалаларга қондорлик жавоблар олдилар, деб бемалол айтиш мумкин. Бир талай масалалар мулоқот жараёнининг ўзидек ҳал этилди. Бизни бир муаммоларини эса вазирлик ўз назоратига олди. Вазирликдаги бошқарува ҳодимлари уларни ҳал этишни бугунчагина бошлаб юбордилар. Худлас, мулоқот талаблар даражасида ўтказилди. Мушторларнинг муфассал баёни билан тазаминларнинг яқин сонларида танишадилар.

(Давоми 3-бетда).

ЗАМОН ТАЛАБИДАГИ ДАРСЛИКЛАР



Очиқ тан олиш керак, биз илгари Европа миллатига мансуб кишилар ўзбек тилини яхши билмайдилар ва ўрганишни хохламайдилар деб, улардан ўқалардик. Аслида уларга мўлжалланган ўзбек тили дарсликларининг савияси ҳақида эса лом-ним демасдик. Тўғриси айтиш керак, у дарсликлар зерикари тузилган эди. Грамматик қоидалар биринчи, сўз ўргатиш, матн устида ишлаш эса иккинчи ўринда эди. Яна бир қамчиликни ўқувчининг ўзбек тилини қай даражада билиши ҳисобга олинмаганлигида. Шу жиҳатдан олиб қараганда, профессор Раъно Толипова бошчилигида тузилган таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг 2, 3, 4, 5, 6-синфлари учун ўзбек тили дарсликларини улардан кескин фарқ қилади. Улар чет элларда чоп этилган янги усулдаги дарсликлардаги каби сўз ва матнлар, дарсга илова сифатида берилган турли расмлар билан безатилганлиги, материалларнинг қизиқарлилиги билан ажралиб туради.

Мазлумки дарсликларда расмлар икки вазифани бажаради. Биринчидан, болани гўзаллик билан таништиради, унга эстетик завқ бериб, дидини ўстиради. Иккинчидан, расмлар ўқувчини зериктирмайди, унинг дунёқарашини кенгайтиради. Бу икки хусусият ўқувчининг баркамол инсон бўлиб етишишида катта роль ўйнайди.

Мазкур дарсликлар дид билан танланган расмларнинг кўпчилиги, материалнинг соддадан мураккаб томон бориши билан ажралиб туради. Улардаги матнлар, бир томондан, тил материалларини пухта эгаллашга, иккинчи томондан, ўзбек халқи адабиёти, тарихи, урф-одатлари ҳақида маълумот беришга мўлжалланган. Дарсликлардаги ҳамма матнлар мустақиллик мафқурасига бўйсундирилган, ўқувчини фаол бўлишга

чорлайди. Топишмоқ ҳамда ханда усулида берилган матнларни ўқувчи қизиқиш билан ўрганади.

Гарчи бу китобларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида-алоҳида фикр билдириш мумкин бўлса-да, уларнинг ҳаммаси учун умумий хусусияти бир сўз билан ифодаласа бўлади: улар жамон талабига тўла жавоб беради. Мухими, ўқувчилар улар асосида ўзбек тилини қизиқиш билан ўрганишмоқдалар. Қолаверса, педагоглар томонидан ҳам яхши кўриб олинди. Ушбу дарсликлар бўйича билим олаётган болаларнинг сўз бойлиги ошиб, ўзлари ҳам оддий ва содда жумлалар туза бошладилар. Улар ҳатто чет элликларда ҳам яхши таассурот қолдиришмоқда.

Жумладан, Жанубий корейлик Ли Инг шундай дейди: «Илгари бир қанча дарсликлар бўйича ўзбек тилини ўрганишга ҳаракат қилдим. Аммо Р.Толипова бошчилигида устозлар нашр этган китоблар кўлимга тушган, хурсанд бўлиб кетдим. Ҳозир ундаги қизиқарли расмларга қараб кичик-кичик жумлалар туза оламан. Сўз бойлигим ошди. Дарсликларда муомала одобига ўргатиладиган материаллар ҳам кўп».

Винхсент Фурньо (Франция): «Дарслар турли мавзуларга бўлинган. Матнлар содда. Тарихчи бўлганим учун ўзбек халқи тарихи ҳақида кўпроқ билишни хоҳлайман. Бундай дарсликларга ўзбек халқига хос бешик тўйи, дафн маросими, худойи каби урф-одатларга оид матнлар ҳам киритилса, янада яхши бўларди. Уларнинг маъносига тўлиқни хоҳлайман».

Айтмоқчимизки, бу дарсликлар, нафақат республикамиз ўқувчилари, балки чет элликларга ҳам манзур бўлди.

Эргаш УМАРОВ,
филология фанлари доктори, **ЎЗРФА** тил ва адабиёт институти профессори.

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Тахминан қанча бўлди?
— Уч ярим тонна.
— Сиз кунига қанча ўришингиз мумкин?
— Энди ерига қараб-да, ака. Серҳосил, тўқ бошқоқли майдон бўлса, юз тоннадан оширса бўлади.

— Демак, бир ойда уч минг тонна бўлади. Бу қамида 300 машина дегани. Бу машиналарни қатор териб чиқса, Вобкентдан Бухорогача етар экан.

— Ҳа, жуда ошириб юбордингиз. Қўз тегмасин.

— Дарвоқе, хизмат ҳақингизни айтмадингиз, Фанишер?

— Ҳа. Емон эмас. Ҳар тонна ўрган галламизга 138 сўмдан беришди. Бу йил хирмоннинг чўғи яхши. Сиз айтгандай, агар уч минг тоннага етказолсам, эски «Запаро»нинг янгилаб олардим.

— Кайтиб келиб, «Кейс»дан тушидик. Фанишер қомбайн тизгинини шогирди Собиржонга берди. Биз каллакдан тўт тагига ўтирдик. Сўхтамиз давом этди.

— Кайтиб келиб, «Кейс»дан тушидик. Фанишер қомбайн тизгинини шогирди Собиржонга берди. Биз каллакдан тўт тагига ўтирдик. Сўхтамиз давом этди.

СЎФИДЕҲҚОНЛИК ЧАВАНДОЗ

Бу йилнинг бошидан кечирганларини эшитиб, унинг ҳаёт йўлини кўз олдимга келтирдим. Фанишернинг асли деҳқон, насли деҳқон. Сўфидеҳқон, деган қадим қишлоққа туғилди. Шу ерда ўсиб-ўнади. Саккиз ёшида отасидан айрилди. Етимликнинг қаттиқ нонини еб, катта бўлди. Ер чопди, ўт ўрди, синфдошлари билан пахтага чиқди, мол боқди, худлас, бола вақтидан онаси Жамида онанинг қўлигига кирди.


Армиядан келиб, қишлоққа қолди. Утган аср 90-йилларнинг гала-ғовури бошланди, кўплар ўзини тижоратга урганди, Фанишер она-заминни тарк этмади. У кексалардан «Элни эр боқди, эрни ер боқди», деган гапни эшитган эди. Мана, йигирма икки йилдики, кўзлари йўлда машинада юк ташийди, тракторда ер ҳайлайди, фалла ўради.

Бултур августнинг ўрталарида ҳокимиятга чақиринди. Тошкентга борасиз, дейишди. «Нима қиламан, машина олиб келаманми?» — деди Фанишер суюниб. «Бунинг эси-дарди янги машинада, — деб қулдилар. — Бу сафар томошага борасиз, тайёрланинг».

Хуллас, Фанишер вобкентлик тўрт вақилнинг бири бўлиб мустақиллик байрамида қатнашди, республиканинг атоқли кишилари билан ёнма-ён ўтирди. Тошкентдан болаларига бозорлик олиб қайтди. — Ана шундай қилиб

яшаётимиз-да, ака, — деди Фанишер ҳикоясини тугатиб. Бу сермулоҳаза, заҳматкаш, қамтар йигит билан яна гаплашгим бор эди, лекин унинг вақтини қизгандим. Фанишер қомбайн томонга қараб-қараб қўярди. Ҳарқалай, шогирд-шогирд-да. «Кейс»га бир кор-қол бўлса, тагин Фанишерга қийин.

Сўдулла СИЕВ, Бухоро-Тошкент.



ЭЛГА НАФИ ТЕГСИН ДЕБ...

Элликкалта туманида маданий-маърифий ва аҳоли саломатлигини сақлаш муассасалари қуришга алоҳида эътибор берилмоқда. Масалан, Гани Одилов номи фермер хўжаликлари уюшмасининг туман марказидан узоқда жойлашган ҳудудда кейинги йилларда 100 ўқувчи мўлжалланган мактаб, қишлоқ шифокорлик амбулаториясининг қўндуз кўни ётиб даволашни бўлими, саудо дўконлари қурилиб, фойдаланишга топширилади. Бу шу ерда истиқомат қиладиган одамлар учун қатор қулайликлар яратди. Айниқса, қишлоқ шифокорлик амбулаторияси жамоасининг киши саломатлигини сақлаш борасидаги қўраётган чора-тадбирлари диққатга сазовордир.

СУРАТЛАРДА: катта ҳамшира Назира Жайсонова мактаб ўқувчисини тиббий қўриқдан ўтказмоқда; қишлоқ шифокорлик амбулаториясининг умумий қўриғи.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

«ШАНКАР-2001» ГОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбекистон Бадий академияси марказий кўргазмалар залида Хиндистонда бўлиб ўтган «Шанкар-2001» халқаро болалар расмлари кўргазмаси голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

«Шанкар» кўргазмаси ҳар йили ташкил этилади. Ушбу кўрик-таъловода мамлакатимиздаги турли ўсмакларда таҳсил олаётган истеъдодли юртоқларимизни она-табаит, тинчлик, дўстлик мавзудаги туркум суратлари билан қатнашди. Бу галги таъловода ўн нафар ёшларимизнинг расмлари таъловонинг кумуш медали ҳамда махсус дипломига сазовор бўлди. Улар орасида Республика тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати ўқувчилари Дилдора Садуллаева, Аминэ Алиева, Надежда Филмонова, Республика Болалар бадий

ижодият марказида Бахриддин Шамсидинов, Нафис санъат лицейи ўқувчилари Дилшод Жалолов, Миролм Маматов, Камола Субхонова, Қашқадарёдаги Тасвирий ва амалий санъат лицей-интернат ўқувчиси Хайрулло Ҳақназаров, наманганлик Улуғбек Отаназаров ҳамда хоразмлик Улуғбек Ражабов бор.

Голибларга «Шанкар-2001» нишонини ва дипломларга ҳамда Бадий академиянинг элдлик совғалари тантанали топширилди.

Маъруза УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

Мозийдан садо



талабаларига сабоқ берилган. Утмиш садоси уфуриб турган мажмуани қисқа вақтда таъмирлаш ҳақида иш эмас. Унинг ҳар бир гишти, ҳар бир безатини ўз ҳолатига келтириш учун кўп меҳнат, 320 миллион сўмдан кўпроқ маблағ талаб этилди. Республика ёлгорликларни қайта таъмирлаш илмий ишлаб чиқариш бош бошқармаси раҳбарлигида навоийлик қурувчиларга Самарқанд,

25 сантиметр қалинликда мозаика қилинганлиги туғайли пойдевордан 85-90 сантиметр зах тупроқ 85-90 сантиметр юқорилаб кетган экан. Уни ниқоблаш мақсадида тупроқ текислашиб, устига гишт терилган. Қурувчилар бир метру 35 сантиметр қалинликдаги тупроқни қаллаб олишди. Бинонинг ҳақиқий супасини очиб ун минг кубметр тупроқ чиқариб ташланди.

Мақбара томининг

Ўзбекистон халқ устаси бухоролик Аҳмад Боймуродов, — Бу ишюшода ўзгача ранглар жиҳосини кўрдим. Ҳар бир гишт ўрнини бошқача тўдириб бўлмайди.

— Бир гектарга яқин мажмуанинг том қисмида ёғоч ишлатилмаган, — дейди «Мемор» устасонаси бошлиғи Комил Отахонов. — Усти икки қават қилиб ёшилган бўлиб, оралаги бўшлиқ одам юрадиган даражада. Тагин шундай бинонинг томига барабан шаклида гулбаз ўрнатилган. Бу ҳолат киши ақлини шоширади, бобокалонларимизнинг юксак билимидан дарак беради.

Хуллас, Карманнинг кўҳна ва ўлмас тарихи ҳақида гувоҳлик берувчи мазкур ёлгорлик мейморчилигимизнинг энг нодир намуналаридан бири сифатида ўз нафосати, салобатига эга бўлди. Айтиш мумкинки, ҳурагимиз ва эркимиз йиллар зарбию, қаровенликдан нураб қолган обидалар учун янги бахт, беқиёс шараф бағишлади. Қаддини қайтадан рўстлаган Қосим Шайх ҳазратлари ҳузурига энди келинг, азизлар!

Абдуваҳоб ПИРМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

АЖИБ БИР ЗИЁРАТГОҲ

Юртбошимизнинг 1999 йил 27 майдаги «Навоий вилояти Навоий шаҳри таркибида Кармана туманини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонида кўҳна шаҳарнинг бир қанча тарихий ёлгорликлари қатори мажмуани ҳам қайта таъмирлаш таъкидланган эди. Қарабизники, қисқа муддатда обида янада салобатлироқ, фусункорроқ тус олди. Минглаб сайёҳчиларни ўзинга чорлайдиган табаррук зиёратгоҳга айланди. Мажмуа 8 катта гумбазли масжид ҳамда

бир-бирига туташ ҳужра-лар, айвондан иборат. Узоқдан кишилар диққатини тортувчи, осмонга бўй чўзган мовий гумбазнинг баландлиги 14 метр. Хонақоннинг шарқий томонида Қосим Шайхнинг сағанаси бўлиб, атрофи мрамор тошлар ва «Абдуллоҳон гишти» деб аталувчи гишлар билан қопланган. Қуруни Карим оятлари битилган жойлар анча. XIX асрнинг охиригача бу маскан сўфийлар, дарвешлар учун бошлана бўлган. Кейинроқ масжид вазифасини бажарган, ҳужраларида мадрасаларнинг

Бухоро, Шаҳрисабз, Хивадан кўли гул усталар ёрдамга келишди. «Мемор» ҳиссадорлик жамияти, «Сайёал» хусусий фирмаси, «Навоийсувқурилиш» бошқармаси бунёдкорлари қаторига юзлаб ҳашарчилар қўшилди. Савобтаблар маблағ ажраттиди. «Ёлгорлик» жамғармасига келиб тушаётган ихтиёрий бадалларнинг охири кўринмасди. Уларга Ўзбекистон мусулмонлари диний идорасининг 4 миллион сўмлик хайр-эхоси ҳам қўшилди.

Собиҳ тузум даврида мақбаранинг олд томини айланмасидати ҳар бир гишт тозаланиб, жойига қайта ўрнатилди. Бухоронинг сўнгги амири Саид Олимхон отасига атаб мрамор тошларга ўйдириб ёздирган марсиеси ҳам асл ҳолида турибди. «Эй кўнгли!» деб аталувчи, инсонларни иймон, этиқод, эзулик, яхшиликка даъват этувчи марсиенинг ўзбекча таржумаси билан ҳам танишиш мумкин.

— 42 йилдан бери тарихий обидаларни яратиб иши билан шуғулланаман, — дейди

Фахрийларимиз

КўНГИЛ ҚАРИМАС



Тошкентда республика фаол ёшларининг анижмани ўтгаётган эди. Нотик ўтирганларга мурожаат эти:

— Янги Чирчиқ шаҳрини бунёд этмоқчимиз. Бу вазифа сиз, ёшларнинг гарданига тушмоқда. Ҳўш, ораларингизда зарбор қуришда бориб ишлагани хоҳловчилар борми?

— Залга жимлик чўқди. — Наҳотки кўнгилилар бўлмаса? — қайта савол ташланди.

— Мен бораман! Барчанинг нигоҳи баланд бўйли, вужуддан шижоат ёғилиб турган ўқтам йигитга қаллади. Бу — ҳозирда фахрий журналист, тиниб-тиничмас инсон Рузимат Даминов эди. У зида турди: қуришда дуралдор, гишт терувчи бўлиб ишлади. Аввал кечки мактабни, сўнг педагогика институтини тутатди.

Мана, ўша воқеаларга ҳам етмиш йилдан ошди. Р. Даминов қарда бўлмасин, қўлдан қаламини қўйгани йўқ. Чирчиқ шаҳри, Бўстонлиқ, Қибрай туманлари газеталари, ЎзТАГ, «Ўқитувчилар газетаси», Сурхондарё вилоятидаги «Илгор Сурхон учун», «Еш ленинчи» газеталарида ўзбек журналистикасининг забарраст вакиллари билан ёнма-ён ишлаб, матбуотимиз ривожига муносиб ҳисса қўшди.

Умрининг 45 йилини таълим-тарбия ишига бағишлаган отахон бутун фарзандлари, шогирдлари, эвара-чеваралари ардоғида. У Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, Халқ маорифи аълочиси унвонлари соҳиб, бир неча шerryй китоблар муаллифидир.

— Мустақиллик ижодий фаолиятимда туб бурилиш ясади, — дейди отахон журналист. — Кейинги йилларда ёзилган шerryларимни жамлаб, «Чирчиқ гуллари» номи китоб нашр эттирдим. Бунги 85 йиллик бағтимнинг сарҳисоби десам, муболага бўлмас. Оллоҳ умр берса, юртимиз равнақи йўлида кучим борича хизмат қилавераман.

Кексалик... Рузимат ота каби ижодкорлар учун бу айни ҳосил берадиган палла. Меҳнат ва ижодини пайваста этган кўнгил асло қаримайди. Орамизда шу каби фидойий инсонлар бор экан, журналист касби ва сўзининг қадри ҳамisha баланддир.

Юсуф МИРЮСУФЗОДА,
Қибрай тумани «Дарв озови» газетаси муҳоррирининг ўринбосари.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудда яшовчи 9-синфни биттувчи ўқувчилар диққатига!

ТОШКЕНТ КИМ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

аниқ ва табиий фанларга қизиқувчи, келажакда кимё, нефть ва газни қайта ишлаш ҳамда нефть ва нефть маҳсулотлар, қурилиш материаллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатларининг оқру маллоки мутоҳассоли бўлиб етишишни астойдил озу қилган ўқувчиларни институт қошидаги

лицейнинг 10-синфига қабул қилади.

Лицейга қабул қилинган ўқувчиларни институтнинг тажрибали профессор ва ўқитувчилари, замонавий асоб-ускуналар билан жиҳозланган аудитория ва таърибахоналарда ўқитадилар. Шу билан бирга аниқ ва табиий фанлар бўйича чуқурлаштирилган дастурлар асосида тест синовларига тайёрлаб борилади. Лицейга кириш учун қўйиладиган ҳужжатлар тақдим этилади:

- иккёй директори номли арза;
- маълумоти ҳақида ҳужжатнинг аса нусхаси;
- таълимнинг таърихийдаги гувоҳнома (нусха);
- ишчи жойдан маълумотнома;
- 686/У шаклидаги тиббий маълумотнома;
- 2x4 ҳаҷидаги 6 та фотосурат;
- касб-қуларга йўналтириш ва психологик-педагогик тахис марказининг таъсисномаси.

Ҳужжатлар 20 июндан 25 июлгача қабул қилинади. Тест синовлари 2 августдан 5 августгача ўтказилади. Лицейда ўқиш муддати — 2 йил (10-11-синф).

Маъналия: Тошкент шаҳри, Лутфия кўчаси, 8-й, 4-қават (метростан Ҳамза бекатидан 9-трамвайда «Чилчозор 7-мавзе» бекатигача борилади). Телефон: 173-81-24.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАКРОИҚТИСОДИЁТ ВА СТАТИСТИКА ВАЗИРЛИГИ

СТАТИСТИКА ДАВЛАТ ДЕПАРТАМЕНТИ

«Тадбиркорлик субъекти фирмавий номини кўриб чиқишининг дастурий мажмуи»ни тақш учун савдо

(ТЕНДЕР) ТАЛЛОВИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Буюртмачи:
Статистика давлат департаменти (СДД). Мулкчилик шаклидан қатъи назар, қорхона, ташкилот ва яқка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркорлар қуйидаги шартларга мос келиши керак: зарур касбий ва техник имкониятларга, ишончлилиқка, таъриба ва ижобий нуфузга, шунингдек, фуқаролик ҳуқуқий лаёқатга ҳамда шартнома (контракт) тузиш ваколатига эга бўлиши керак.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатлари олиш учун савдо ташкилотчиси — Статистика давлат департаментига ёзма равишда мурожаат қилиш керак.

Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Ипак йўли, 63-уй, 709-хона.
Телефон: 67-23-65; факс: 67-78-16
(тендер комиссияси котиби — Корчагина Алла Николаевна).

Савдо ташкилотчиси томонидан таклиф (оферта)лар қуйидаги манзилда қабул қилинади:
Тошкент шаҳри, Буюк Ипак йўли кўчаси, 63-уй, 709-хона.
Телефон: 67-23-65; факс: 67-78-16 (тендер комиссияси котиби — Корчагина Алла Николаевна).

Савдо ташкилотчисига таклиф (оферта)ларни тақдим этишининг сўнгги муддати — таклиф (оферта)лар очилмаган кун ва соат ҳисобланади.

Таклиф (оферта)лар эълон чиққандан 30 кундан кейин Тошкент шаҳри, Буюк Ипак йўли кўчаси, 63-уй, СДД мажлислар зали (8-қават)да соат 15.00да очилади.

Навий кунда керак

ҲАЗРАТИМИЗ ТАШРИФ БУЮРДИЛАР...

— Танишинг малик-ушшура бобомизнинг ошқилари...

Азбаройи лол-у ҳайрон қолганимдан бастакор Раҳимжон Ҳасанбеовнинг кейинги сўзларини англай ҳам олмадим. Мени бу ерга — Мирзаобод тумани мақомчилар ансамблининг концертига таклиф қилишганда иккиланганим, шунда Тошкентдан ҳазрат Навоийнинг ашаддий мухлиси келатганини айтиб қизиқтиришганди. Ушунда кўз олдима, ростки, олимнамо бир инсон келганиди. Ҳозир эса қаршимда сарқидан келган, мовий-кўзли, қисқаси, бутун қиёфаси «мен-европаликман» деб гувоҳлик бераётган бир киши турарди.

— Виллоянтингиза тижорат ишлари билан келганим, — деди «европалик» соф ўзбек тилида. — Мақомчилар ҳазрат Навоийнинг ғазалларини қўлашларини айтишувди, ишларини эртага қолдириб, бу ёққа келавардим...

Шу галнинг узиданоқ кўнглимга бир идиқлик югурди. Анча-мунча эйлиман деганлар китобни қўйиб, пулга чапётган бир пайдага касби тожирлик бўлган кишининг режалаштириб қўйган савдо ишларини бир четга суриб, Навоий ғазалларини тинглашга келишининг ўзи катта гап-да, ахир...

Илк қўшиқ — «Ушшоқ» янграгандаёқ тошкентлик меҳмон ҳазрат Навоийнинг чин ошини эканлигига тўла икор бўлдим. Асрлар оша не-не инсонлар дилларини таҳ-батах симоиб айланган латиф оҳанг айтганда юксак баъдий образлардан либос кийган пурмаъно фикрлар парвоз қилар, ўғли илтижо мунгли наво эрдмида кўнгли мулкни истило айларди. Пойтахтлик меҳмон бу руҳий истилога дарҳол, бутун борини билан таслим бўлди. Қўшиқ авжига чиққанда у қаттиқ ҳаяжон билан оҳ тортиб юборди, мовий кўзлари эса ботиний хислар тўғрисида порларди.

Бу даражага қаттиқ тасвирлашни учун оҳангнинг ўзи камлик қилди. Наҳотки, оддийгина тадбиркор буюқ шоирнинг мураккаб мисралар замирига яширинган фалсафий фикрларини англаб етмагандимми?


... Хуллас, юнусободлик Усмон ака Комилов билан ана шундай танишган эдик. Сўнг бот-бот учираиб турдик. Аксарият сўбатларимиз Навоийдан бошланиб, Навоий билан тугарди.

— Чоршанба кун «да-чага ўтсангиз, — деб қолди бир кун Усмон ака (У кишининг Занги ота туманидаги эски уйлари шундай деб атардик). Иккиланган турганимни сезди, шеклиди, қўшимча қилди: — Борсангиз, камидан ўн йилга ёшариб келсангиз ҳазратнинг ҳақиқий мухлислари йиғилишади.

Бу гапдан кейин бормай

бўладим, бордим. Усмон ака, Раҳимжон ака, яна икки киши жам бўлиб каминани кутиб ўтиришган экан. Уйнинг бир бурчагида танбур... Ҳол-аҳвол сўрашиб, бир пиёладан чой ичиб улгурмасидан Ҳазрат ҳам «ташриф буюриб қолдилар», яъни навоий-хонлик бошланиб кетди. Раҳимжон ака соҳир ғазалларни салобатли овозлари билан шундай таъсирилик ўқидики, барчамиз баробар ҳаяжонга тушидик. Танбурни ҳам у киши четга керак, деб ўйлагандим, йўқ. Усмон ака четгаб хонши бошлади. Ҳазратимизнинг илоҳий руҳ ила йўрилган ғазалари лаҳза ўтмай барчани ром айлади-қўйди. Юрак-юракдан ижро этилган қўшиқнинг таъсири узатча бўларкан. Шундай ҳузур қилдикки...

Аммо бироздан сўнг бу ҳузур-ҳаловатнинг «ҳақини



тўлашга тўғри келди. Ул-фатлар қўшиқ тутани биланқўнинг «мағзини чақини истаб қолдиши, ва, табиийки, бунда бир қалам-каш сифатида кўпроқ менга умид боғлашди. Аммо, гапнинг ростки, таркибида арабча, форсча сўзлар кўп бўлган, тасаввуфна фалсафа йўрилган, боз устига умримда илк бор эшитиб турганим мураккаб ғазални шарҳлаш каминига ҳам оғирлик қилди. Қисқаси, ҳаммамиз биргалашиб ҳам ғазални тўла «чақ олмадик». Шунда «Ўзбектеlevision»да ишлайдиган Абдухалил ака кўнглимизни кўтарди:

— Навоийдек буюқ даҳонинг ғазалларини шарҳлаш биз туғулган анча-мунча олимман деганларнинг ҳам қўлидан келавермайди. Шунчалик тушуна олганларининг ўзи катта гап. Бу ғазални эса менга беринглар, навоийшунос танишларим бор, яхшилаб шарҳлаб келаман...

Шу воқеадан кейин ўн кун ўтганим-йўқим, билмайман, Усмон ака кўнглироқ қилиб қолди: — Уйдимизми? — Уйламан. — Ҳозир этиб бораман... Дахшат!

Юрагим «шув» этиб кетди: нима дахшат?! Кейин ўзимга далда бердим: овозида ҳеч қандай дахшат сезилмади-ку...

Усмон ака эшикданоқ гапириб кириб келди: — Сиз «Навоий — денгиз» деганингизда ман «Йўқ, у зот — денгиз эмас, океан» демабдим. Мана, ўқиб кўринг... дахшат!

Узатган қўғозларини олиб қарадим: биз мағзини чақа олмаган «Назора қил», ҳар бир байтининг остига муфассалгина шарҳ ҳам битилди.

Айниқса, баъзи мураккаб байтларга шарҳдан ташқари изох ҳам битилгани уларни ҳар қандай киши тушунадиган ҳолга келтирибди. Масалан, бизни анчагина «терлатган»

Хайли ҳиндудексим, душман илдида бўлиши асир, Ҳар бирисин олам ичра ҳар тараф оворга қил

байти шарҳининг ортидан қўйилганча изох берилди: «Навоий бу ўринда охи ўтидан қорайган юраги парчаларини душман қўлида тутқунликда бўлган ҳиндуларга ўхшатмоқда».

Илк байт шарҳини ўқиган захотимқоқ Навоий ҳазратларига таъриф беришда янглишганимни эътироф этдим: ҳа, инсон ақлини лол қолдирувчи бу ҳайратангиз сатрлар муаллифи денгиздан-да, океандан-да ултуроқ зотдир!

— Бу ақойиб шарҳ муаллифи ким? — сўрадим гойибона та берган ҳолда. — Гапнинг очиги, ман ўзим у кишини танимайман, — жавоб қайтардилар Усмон ака. — Абдухалилнинг айтишича, исми-шарифлари Юсуф Турсунов, ўзлари фан номзоди эканлар...


Усмон ака гап шу ерга келганда хурсанд жиламайдим: — Ишонурсиз, тақсир, шундоқ олим киши биз ила бир «қурушмакни истадулар».

Мен ҳам сўхбатдошимга тақдидан Навоий даври тилида сўрадим: — Не сабабдир? — Абдухалилга «Уша ўртоғингизга айтинг, бир келсин, мен ҳазрат Навоийнинг ҳақиқий мухлисларини яхши кўраман» дебди...

Бу гапдан мутаассир бўлиб ўйга толаман. «Сиз қандай улур зотсизки, бобожон, — хаёлан хитоб қиламан ҳазратга, — неча асрлардан кейин ҳам дилларни дилларга таяванд айламоқдасиз. Мана, бир ғазалингиз боис икки набирангиз бир-бирини талпиниб турибди...»

Яратгандан тилаймизки, осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч бўлсин-у буюқ бобомизнинг ўлмас сатрлари инсонларни бир-бирларига дўст-у ошно айлаверсин.


Мухторали НОСИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Яна бир тухфа

Сўлим табиат қўйида жойлашган Хумсон оромгоҳини яхши билсангиз керак. Ҳар йили у ерда юзлаб юртдошларимиз ҳордиқ чиқаришади. Шилдираб оқаётган зилол сув, салобатли тоғлар қаршисида дам олиш кимга ҳам завқ бағишламайди дейсиз.

Эндилкида ана шу масканда, аниқроғи Хумсондан сал берида яна бир оромгоҳ қад ростлади.



«ХУМСОНБУЛОҚ»НИ БИЛАСИЗМИ?

Дам олиш уйини қуриш учун айнан шу жойнинг танлангани бежиз эмас. Бу ерда мавжуд бешта булоқдан чиқаётган оби-ҳаёт минг даргада даво эканлиги германиялик мутахассислар томонидан ҳам эътироф этилган. Хусусан, ошқозон-ичак, ўт-пу-факда юзата келадиган касалликларни зарарсизлаштиришда қўл келадилар. Бу нарсани ҳориқдаги энг замонавий лабораторияларда махсус текшириб-синтавланган. Шунинг учун ҳам янги қозонган «Хумсонбулоқ» деб ном берилди. Келгусида ана шу шиғобахш булоқлар сувини қадоқлайдиган цех ташкил қилиш режалаштирилган.

«Ўзбексавдо» акциядорлик компанияси томонидан янги тўрт ой ичда бунёд этилган ушбу гўша 140 ўринга мўлжалланган. Энг муҳими, 80 та янги ички ўринлари ҳам очилди. Европа андозлари асосида қурилган «Хумсонбулоқ»нинг сув ҳавасига тикилиб тўймайсиз. Камалак рангига товланади. Унинг суви тўхтовсиз янгилашиб туради.

— Бутун ҳаммамизни қўнғирлаётган мана шу жой илгары ташландиқ ҳолга келиб қолган эди, — дейди компания раисининг ўринбосари

Равшан Ҳамидбеков. — Шу ерни обод қилиш учун 500 туп янги қўшлар ўтқазиб, 7 гектарлик боғ яратдик. «Хумсонбулоқ» ҳозирча дам олиш уйи сифатида фаолият кўрсатади. Унда нафақат савдо тизимидаги кишилар, балки барча ҳамюртларимиз ҳордиқ чиқариши мумкин. Кейинчалик зарур мосламалар билан жиҳозланадиган тўрт қатини симиришда бутун ба-даннингиз яйраб кетишини айтгин.

Қарияларни қаршаш йилни муносабати билан ва савдо қилишлари-нинг касб байрамга тухфа сифатида бунёд этилган «Хумсонбулоқ»да электр энергияси таъминотининг узлиб қолмаслиги олдидан йўлаб қўйилган. Зеро, тоғли ҳудудда бундай ҳоллар тез-тез қўрқатган туршишни биласиз. Агар шундай вазият юз берса, орадан 8 сония ўтиб-ўтмай дил-зель ёқилгисида ишлайдиган мининг станция ишта киришади. Қарабсиз-ки, дам олувчилар ҳеч қандай ноқулайликни сезмайди.

Сўз юртганимиз янги маскан 4 ой ичда битказилганини юқорида айтиб ўтандик. Таъкидлаш жоизки, бунинг учун таъқридан биронта қурилиш ташкилоти жалб қилинмади. Аксинча, компания таркибидagi қурувчилар ўз имкониятларидан келиб чиқиб, ана шундай хайрли ишни амалга оширишди.

Суратчи мухбиримиз Нўмонжон Мухаммаджонов фотосағмага муҳра-лаган мана бу лавҳаларда «Хумсонбулоқ»нинг ташқи кўриниши, гузал табиати тасвирланган. Шундай гўша-да дам олиш истаги туғилган бўлса, янги оромгоҳнинг эшиклари очик.

Озод БЕК, «Халқ сўзи» мухбири.

Янги оромгоҳнинг 150 ўринли замонавий ошонаси, 10 та сўридан иборат сўлим чойхонаси, қўндалик эҳтиёж моллари билан савдо қил-диган дўконлар дам олувчилар хиз-матига бўлади. Шунингдек, бу ерда сўт-қатик маҳсулотлари сотиладиган махсус жой ажратилган. Маҳаллий аҳоли хонадонларида тайёрланадиган тоғ қатини симиришда бутун ба-даннингиз яйраб кетишини айтгин.

Қарияларни қаршаш йилни муносабати билан ва савдо қилишлари-нинг касб байрамга тухфа сифатида бунёд этилган «Хумсонбулоқ»да электр энергияси таъминотининг узлиб қолмаслиги олдидан йўлаб қўйилган. Зеро, тоғли ҳудудда бундай ҳоллар тез-тез қўрқатган туршишни биласиз. Агар шундай вазият юз берса, орадан 8 сония ўтиб-ўтмай дил-зель ёқилгисида ишлайдиган мининг станция ишта киришади. Қарабсиз-ки, дам олувчилар ҳеч қандай ноқулайликни сезмайди.

Сўз юртганимиз янги маскан 4 ой ичда битказилганини юқорида айтиб ўтандик. Таъкидлаш жоизки, бунинг учун таъқридан биронта қурилиш ташкилоти жалб қилинмади. Аксинча, компания таркибидagi қурувчилар ўз имкониятларидан келиб чиқиб, ана шундай хайрли ишни амалга оширишди.

Суратчи мухбиримиз Нўмонжон Мухаммаджонов фотосағмага муҳра-лаган мана бу лавҳаларда «Хумсонбулоқ»нинг ташқи кўриниши, гузал табиати тасвирланган. Шундай гўша-да дам олиш истаги туғилган бўлса, янги оромгоҳнинг эшиклари очик.

Озод БЕК, «Халқ сўзи» мухбири.



Ушбу минора нечанчи асрда, қаерда қурилган? 136-35-60

«Халқ сўзи» га эълонлар с 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади. Тел. факс: 136-09-25, 132-10-63 456 това

Кариялар дуога қўл очганда, ҳамиша тўрт муқалинг омон бўлсин, дейишади. Бу ҳикматнинг бир жиҳати бевосита спорт билан боғлиқ. Зеро, спорт бир-дамлик, бардамлик ва саломатлик рамизидир.

Бундан 15 йил муқаддам Дошқе қишлоғи марказида «Хива» ширкат ҳужалигига узоқ йиллар раҳбарлик қилган Матмурод Отабоев (Оллох у кишининг марҳуматига олган бўлсин)нинг сая-ҳаракатлари билан стадион қурилган эди. Ушунда бу ерга туманот одам йиғилди, турли кўнглилар спорт мусобақалари ўтказилди. Орадан йиллар ўти. Негизан стадиондаги ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Мактаб ўқувчилари, спорт мухлисларига завқ-шавақ бағишлаган даргоҳ нурулгандай эди.

«Фаллабанк» ишга таклиф этади. РЕСПУБЛИКА АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ «ФАЛЛАБАНК» куйидаги шаҳарларда жойлашган филиалларига вакант ўринлар учун юристларни танлов асосида ишга таклиф қилади: Тошкент, Бекобоғ, Оҳангарон, Гулистон, Тоёлоқ, Яккабоғ, Кўкғола қўрғони, Чимбола, Беруний, Қўнғирот, Поп, Учқўрғон, Қўрғонтепа, Хонқа ва Галаосиё қўрғони.

Номзодлар куйидаги талабларга жавоб беришлари лозим: - Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига эга бўлиши; - мутахассислиги бўйича олий юридик маълумотга эга бўлиши; - юридик соҳада камидан 1 йиллик иш стажига эга бўлиши; - банк соҳасига оид меъёрий ҳужжатлар билан таниш бўлиши; - номзоднинг ёши 40 ёшдан ошмаган бўлиши.

Номзодлар куйидаги талабларга жавоб беришлари лозим: 136-14-18, 133-47-83. Рўйхатдан ўтган тартиб № 0001 Буюртма № 576, 36491 нусxada босилган, ҳажми — 2 тифок, 0фсет усунда босилган. Котенг бичими А-2. Газета IBM компьютерда тералди ва операторлар Жамшад ТОҒАЕВ ва Зокир БОЛТАЕВ томонидан сахифаланди. Тахриратга ҳажми 5 қотондан зиёд материаллар қабул қилинмайдилар. П-Тижорат материалли

UZDUNROBITA cellular «Ўздунробита» ҚҚ абонентлари диққатига! Тошкент шаҳрида GSM русумидаги янги тармоқ қурилиши ишлари олиб борилиши муносабати билан айрим туманларда алоқа сифати вақтинчалик ёмон бўлиши мумкин. Бизни тушунишингизга ишонамиз ва келтирилаётган ноқулайликлар учун узримизни билдирамиз. «Ўздунробита» ҚҚ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети жамоаси университети. Ислому-носоник илмий-тадқиқот маркази бўлим мудири, филология фанлари доктори, профессор Ботирбек ҲАСАНОВнинг вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур ҳамдардик билдиради. Ўзбекистон Телеардиокомпанияси жамоаси «Ўзбекистон» телеканалининг Телеоператори Муароб Аҳмедовга ваъдани муҳта-рамаси ХАЙРИХОН аянинг вафот этганини муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим ва-зирлиги, Ўрта махсус, Касб-хунар таълимни маркази жамоаси УМКХТ ривожлантириш институти бўлим бошлиғи, физика-математика фанлари номзоди доцент Қосимов АБДУЛЛАЕВнинг вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила-аъзолари, яқинларига чўқур таъзия изҳор қилади. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳайати ва жа-моаси УЗР ФА вице-президенти, «Физика-Кўш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, физика-математика фан-лари доктори Сағдулла Лутфуллаевга оид САБУРА аянинг вафот этганини муносабати билан чўқур ҳамдардик билдиради. УЗР ФАнинг Механика ва иншоотлар сеисмик мустаҳкамлиги институти жамоаси катта илмий ходим Аниваров Ҳужаева тақдир бузруқвори РАШИД отанинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МИЛЛИЙ РАҚС ВА ХОРЕОГРАФИЯ ОЛИЙ МАКТАБИ Кундузги бўлимига: - хореография-педагогикаси, ўқини мuddати — 4 йил; - хореография жамоалари раҳбари, ўқини мuddати — 4 йил; - балетмейстер-режиссёр, ўқини мuddати — 4 йил. Қуйидаги ҳужжатлар 20 июндан 20 июлгача қабул қилинади: - ректор номига ариза; - ўрта ва ўрта махсус маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси; - 080-У шаклдаги тиббий маълумотнома; - 3х4 см. ҳажмидаги 6 донга фотосурат; - паспорт ҳамда ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади. Қўшимча маълумотларни куйидаги телефонлар орқали олиш мумкин: 56-05-28, 56-33-27, 56-24-36. Манзиллими: 700031, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 31-уй (собиқ «Педагогическая» кўчаси), метронинг «Космонавты» бекети, 11-тролейбуснинг «Хореография олий мактаби» бекети, 7, 8, 10-трамвайларнинг Юсуф Хос Ҳожиб (собиқ «Турман бозори») бекети. Қабул комиссияси.

«Халқ сўзи» НАРОДНОЕ СЛОВО МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ Тахрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарходий, И. Худоберов, И. Шогуломов, О. Қанибергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. Ҳошимов. ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхонлар билан алоқа ва мизтақалар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.